
Риштон_туманида Кексалар_ҳафталиги

Кексаларни ҳурмат қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш ўзига хос юксак маънавий ва маданий белгисидир. Халқимизга хос бўлган бундай юксак фазилатлар мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

«Кексалар ҳафталиги» доирасида Риштон туманида кексаларни ҳар томонлама рағбатлантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар улар учун айна пайтда катта маънавий-руҳий мададдир. Юртимизда бундай ҳурмат, эътибор ва ғамхўрлик учун чуқур миннатдорлик туйғуси фуқароларимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишонч, ёш авлодни Ватанга, мустақилликнинг буюк ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ўз ифодасини топмоқда.

Риштон тумани “Қошқайрон” маҳалласида узоқ йиллар меҳнат фаолиятини олиб бориб ҳозирда нуронийлик гаштини сураётган маҳалланинг ёши улуғ меҳнат фахрийлари учун “Кексаларни эъзозлаш инсоний фазилатдир” мавзусида тадбир ташкил этилди.

2021-10-07 16:40:05